

МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 6/3 - 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия аъзалары:
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Марифжон АХМЕДОВ
Гулзада БАЙМУРАТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Дилдора ДАВРОНОВА
Мәмбет ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Даврон ИСМОИЛОВ
Феруза САПАЕВА
Раънохон ОРИПОВА
Арзы ПАЗЫЛОВ
Джавдод ПЎЛАТОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Амина ТЕМИРБЕКОВА
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Нурзода ТОШЕВА
Ризамат ШОДИЕВ
Сурайе ШАРИПОВА
Рухшона ИСРОИЛОВА
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПНИИ
Қарақалпақстан филиалы

Ўзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хәм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзіндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген маглыўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

Shirnazarova Z. A. Xorijiy tillarni o'qitishda madaniyatlararo muloqot kompetensiyasini rivojlantirish	6
Ishmatova O. S. Fonetik ritmika maxsus metodikalarining ritmika va logoritmikadan farqli jihatlari	9
Rustamova Z. X. Dialektal korpus yaratishning leksikografik tadqiqi	14
Султанова А. Умумтаълим мактабларида грамматик терминларни қиёсий усулда ўрганиш	17

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Сейтмуратов Қ. Жәдидшиликте сиясий-ағартыўшылық идеялар	22
Сейтмуратов Қ. Жазба саўатлылықты раўажландырыў-дәўир талабы	25
Bayniyazova G. Shayir I.Yusupov qosqlariniń tálím-tárbiyalıq áhmiyeti	29
Тилеумуратова Г. Т. Қорақалпоқ болалар адабиети воситасида ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари	34
Bekmanova G. Kimyo o'qitishda didaktik o'yinli texnologiyalarni qo'llash usullari va vositalari	37
Абидова Н. З. Таълимий инклюзия шароитида касбий-педагогик фаолият хусусиятлари ..	40
Yunusova X. Sh. Inklyuziv ta'lim O'zbekistonda insonparvar ta'lim shakli sifatida	44
Курбанова М. Э. Органик кимё дарсларида педагогик методлардан фойдаланишни ўргатиш	48
Кобилова Ш. Х. Педагогик инновацион таълим кластер асосида халқ таълимида инклюзив муҳитни яратиш юзасидан ижтимоий-педагогик ёндашув	52
Dehqonova M. G'. Bo'lajak maxsus pedagoglarni kasbga qiziqishini oshirish yo'llari	58
Гаюпова С. Х. Замоनावий талаба шахсини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари	61
Sayfullayeva I. Q. Bo'lajak logopedlarni kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirishning huquqiy-me'yoriy asoslari	66
Hayitova Yu. S., Xolmatova G. I. Mustaqil o'quv faoliyatini tashkil etish texnologiyasi	69
Тиркашов М. С. Эмпирик тушунчалар ва уларни шакллантириш методлари	73
Ibadullayeva Sh. N. Pedagogik desantura- ta'lim klasteri asosida inklyuziv ta'lim samaradorliggini oshirishning innovatsion mexanizmi sifatida	76
Рахманова М. Қ. Талабаларнинг ижтимоий компетентлигини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари	79
Temirbekova A. O. Innovatsion texnologiyalardan foydalanish – davr talabi	84
Темирова М. Б. Бўлажак педагогларнинг касбий мобилилигини таъминлашнинг педагогик жиҳатлари	86
Karamatova D. S. Zamonaviy ekologik ta'lim mazmunida integrativ yondashuvni ta'minlash ..	90
Салаева М. С. Педагогнинг ўз-ўзини касбий такомиллаштириши ва ўз имкониятларини рўёбга чиқаришнинг психологик механизмлари	95
Нурманова Н. К. Совершенствование методической подготовки будущих учителей к интегративно-модульному обучению	101
Utebaev T., Sarsenbaeva Z. The significance of learning cultural codes	105

she'r yodlay olmagan, 4 nafar o'quvchining nutqida nuqsoni mavjud edi qolgan 3 nafar o'quvchi tortinchoq, o'z fikrini erkin bayon eta olmas edi.

Desant talabalar ko'magidan so'ng, 3 nafar o'quvchi 2-3 tadan she'rni yod oldi. 4 nafar o'quvchining lug'at boyligi oshdi, bog'langan nutqi shakllandi, ichki va tashqi nutqi rivojlandi. 3 nafar o'quvchi o'z hohishi bilan qo'l ko'tarib fikrini bayon eta olishga o'rgandi. O'ziga bo'lgan ishonchi ortdi.

Bundan ko'rinib turibdiki, individual kasbiy rivojlantirish dasturi asosida talabalar o'qituvchilik faoliyatiga tayyorlandi.

Adabiyotlar:

1. Қодирова, Ф. У., & Кенжаев, Н. У. (2020). Инклюзив таълим шароитида қар ва заиф эшитувчи болаларнинг ўқишига таъсир этувчи омиллар. Academic research in educational sciences, (3), 904-910.
2. Ibadullateva, Sh.N. (2022). Ta'lim klasteri asosida inklyuziv ta'lim samaradorligini oshirishning samarali omillarini aniqlash. Magistrlik dissertatsiyasi.
3. Qodirova F.U. Maxsus ta'lim o'qituvchilarini innovatsion faoliyatga tayyorlash imkoniyati cheklangan bolalarni ijtimoiy hayotga tayyorlash omili sifatida. "Boshlang'ich ta'lim va jismoniy madaniyat yo'nalishida sifat va samaradorlikni oshirish: muammo va yechimlar". O'zbekiston res'ublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. ToshDU. O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti, ToshDJTI. Xalqaro konferentsiya materiallari. Toshkent, 2017. –B. 157-159.
4. Qodirova F.U. Imkoniyati cheklangan bolalarni ijtimoiy hayotga tayyorlash va jamiyatga uyg'unlashtirish muammolari va ularning samarali yechimlari.// "S'etsial' naya inklyuziya: novqe orientir q sotsializatsii detey". Res'ublika bolalar ijtimoiy moslashuvi Markazi. Xalqaro konferentsiya materiallari to'lami. Toshkent, 2017. –B89-91.
5. Qodirova F.U. Imkoniyati cheklangan bolalarni ijtimoiy hayotga tayyorlashda innovatsion texnologiyalarning o'rni.// Maktab va hayot. -Toshkent, 2018. -№ 7. –B. 12-15. (13.00.00. № 2).

РЕЗЮМЕ

Mazkur maqolada ta'lim klasteri asosida inklyuziv ta'lim samaradorligini oshirishning samarali omillarini aniqlash va uni amaliyotga tadbiiq etish orqali imkoniyati cheklangan o'quvchilarning boshqa o'quvchilar singari ta'lim olishda teng xuquqli ekanligini isbotlaydi. Bunda ularga pedagogik yordam berishning samarali usullaridan foydalanish tavsiya etiladi

РЕЗЮМЕ

В данной статье доказывается, что учащиеся с ограниченными возможностями здоровья имеют такое же право на образование, как и другие учащиеся, путем выявления действенных факторов повышения эффективности инклюзивного образования на основе образовательного кластера и реализации его на практике. Для них рекомендуется использовать эффективные методы педагогической поддержки.

SUMMARY

This article proves that students with disabilities have the same right to education as other students by identifying the effective factors of increasing the effectiveness of inclusive education based on the educational cluster and putting it into practice. It is recommended to use effective methods of pedagogical support for them.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Рахманова М.Қ.

Чирчиқ давлат педагогика университети н.ф.ф.д.(PhD)., доцент

Таянч сўзлар: педагогик омил, педагогик шарт-шароит, ижтимоий тарбия, фуқаролик позицияси, ўзаро мулоқот алмашинуви, ижтимоий коммуникация.

Ключевые слова: педагогический фактор, педагогические условия, социальное воспитание, гражданская позиция, обмен общением, социальная коммуникация.

Key words: pedagogical factor, pedagogical conditions, social education, civic position, exchange of communication, social communication.

Таълим жараёнида талабаларнинг ижтимоий компетентлигини такомиллаштириш узлуксиз давом этадиган ижтимоий педагогик жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятларини татқиқ қилиш ва аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур йўналишдаги тадқиқот доирасида ушбу масаланинг тарихи, ривожланиш тенденцияларини ўрганиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш талаб этилади.

Таҳлиллар жараёнида шу нарса аниқландики, кишилик жамияти тараққиётида шахснинг фаоллигини ошириш асосида ижтимоий муносабатлар иштирокчисига айлантириш муаммоси узоқ йиллар давомида аждоқларимизнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келган.


Демак, ижтимоийлашув - инсоннинг унинг барча ёш босқичларидаги табиий, мақсадли йўналтирилган ҳаёт шароитлари билан ўзаро мувофиқликда содир бўладиган, маданиятни егаллаши ва қайта татбиқ этиши жараёнидаги ривожланиши ва ўз-ўзини ўзгартириб боришидир. Мазкур жараёнда педагогнинг энг асосий вазифаси - инсоннинг мустақил фикрли, жамиятдаги ўз ўрнини ва шахсий орзу-интилишлари йўналишини англайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни сақлаш ва мустаҳкамлашга қодир шахс бўлиб этишишига эришишдан иборатдир. Ушбу ҳолатда, педагогик фаолият эса, муҳим бунёдкор ижтимоий вазифани бажаради: бу жараёнда нафакат яхлитликда шахс шаклланади, балки мамлакатнинг келажаги аниқланади ва ишлаб чиқариш салоҳияти таъминланади. Педагогик фаолиятнинг келажакни олдиндан кўра олиш билан боғлиқликдаги тавсифи унинг мақсадларининг кўп қирралигини, фақат бугунги кун учун шахс ва жамият эҳтиёжларини қондиришигига эмас, балки келажак учун йўналтирилганлигини, ёш мутахассисларни ижтимоий ҳаёт ва касбий фаолиятга мослашувинигина эмас, уларнинг фаолият соҳасини инноватсияланиб боришини ҳам аниқлаб беради.

Ижтимоий компетентликни ривожлантиришда ижтимоий мослашув муҳим омилдир. Ижтимоий мослашув ўз навбатида ижтимоий муҳит талабларига талабаларнинг муносабат билдиришидир.


Талабалар ОТМ шароити, академик ўзлаштириш муҳити, турли трансформатсия вазиятларида “Мен” концепцияси остида ҳаракатланиши исбот талаб қилмас

ҳақиқатдир. Шунинг учун “Мен” концепциясининг моҳиятини алоҳида таҳлил қилишга уриндик. Манбаларда “Мен” концепциясининг тузилиши қуйидагича ажратилади: 1)англаш-ўзини билиш, англаш; 2)хис этиш-ўзини баҳолаш, ҳаракатларини тафтиш қилиш; 3)хулқ-атвор шаклланиши-ўзига шахсий, таҳлилий муносабатдан ташкил топган.

Ижтимоийлашув ва ижтимоий мослашув ўзаро чамбарчас боғлиқ жараёнлар бўлиб, шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабати яхлитлигини акс эттиради.



1.2.3-расм. Талабаларда “Мен” концепциясини таҳлил қилиш таркиби



1.-расм. “Мен” концепциясининг психологик тузилиши

Ижтимоийлашув, одатда, умумий (руҳий, аклий, жисмоний, ижтимоий) ривожланиш билан, мослашув эса, янги шароит, муҳит, вазиятда мулоқот қилиш ва фаолиятни ташкил этиш билан белгиланади. Талабалар «Мен» ини барқарор таҳлил қилишнинг педагогик-психологик тузилишига эътибор қаратиш кераклиги амалиётда намоён бўлди. Бунинг учун “Мен” концепциясининг тузилишига муурожаат қилдик.

Индивидуаллашув инсоннинг объектив эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда жамиятда маълум даражада алоҳидаликка интилиши бўлиб, унинг ёшлигидаёқ ўз-ўзини намоён қилишга бўлган ҳаракатларида пайдо бўлади. Бу эҳтиёж қуйидагича намоён бўлади:

- а) ўз қарашларига эга бўлиш;
- б) ўзига хосликларга эга бўлиш;
- в) ўзига тегишли бўлган масалаларни ўзи ҳал қилиш;
- г) ўз мавқеини аниқлаб олишига ҳалақит берадиган ҳаётий ҳолатларга қарши туриш.

Агар шахснинг жамиятга киришишида қулай мослашув ва самарали индивидуаллашув жараёнлари ўртасида тенглик-мувофиқлашув юзага келса, шахснинг жамиятга яқинлашуви рўй беради. Бундан ташқари бундай вазиятларда шахс-муҳит-фаолиятнинг ўзаро таъсир импульси содир бўлади.

Шундай қилиб, муваффақиятли ижтимоийлашув ҳамда трансформатив шароитга мослашув ва фаолиятли индивидуаллашув ўртасида мувозанат барқарор сақлангандагина амалга ошиши мумкин. Бу ижтимоий йўналган жараён уч асосий педагогик-психологик соҳада амалга ошади:

1. Талабалар жалб этилган фаолият турларининг кенгайиши, унинг шакл ва воситаларини қўлга киритиш, эркин мўлжал олиш.
2. Мулоқот доирасини кенгайтириш, унинг мазмунини чуқурлаштириш, хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириш.
3. Шахсий «Мен» образини фаолиятнинг фаол иштирокчиси сифатида шакллантириш, ўз ижтимоий мансублиги ва ўрнини англаш, ўзига баҳо беришни шакллантириш.

С.Л.Рубинштейн шахс тузилишини қуйидагича таснифлайди:



- қобилият; -темперамент; -характер; -ирода; -ҳиссиётлар; -мотивация;
- ижтимоий қадрият(установка)лар.

Ҳар доим ҳам ижтимоий пассив талабаларнинг маълум бир жамоага қўшилиб кетиши осон бўлмайди. Аксинча, у ёки бу таъсирлар доирасида талабалар ҳаётида юз берадиган тўсиқлар дезадаптация жараёнини юзага келтиради. Ҳозирги кунда амалиётда бу каби ижтимоийлашув муаммоларини бартараф этишнинг яхлит услублари мавжуд эмас. Чунки бу муаммо талаба ҳаётининг турли жиҳатларини ўз ичига олади. Бу вазиятда тиббий, педагогик, психологик ва ижтимоий омилларни инобатга олиш зарур. Амалий психологияда дезадаптациянинг олдини олиш ва уни бартараф этишда қуйидаги тартибда иш олиб бориш йўлга қўйилган бўлмоғи :

- √ яшаётган ижтимоий муҳит ўрганилади, маълумотлар йиғилади;
- √ мавжуд ички қаршилик мазмуни ва характери ўрганилади;
- √ мослашувга қарши омиллар аниқланади, жамланади;
- √ ёш давларга кўра психофизик ривожланиш кўрсаткичлари махсус тестлар орқали ўрганилади;
- √ натижалардан келиб чиққан ҳолда педагогик-психологик коррекция ишлари режалаштирилади ҳамда ҳамкорлар белгиланади.

Мазкур иш режа ва ҳамкорлик мақсадли тузилиб, тегишли машғулотлар ташкил этилса, талабада ҳаётий мотивация кучаяди, атрофдагиларга ижобий муносабат ҳамда янгиларга қизиқиш ҳисси пайдо бўлади.

3.Фрейд тавиялари асосида мослашув жараёнининг икки даражасини фарқлаш мумкин: 1)адаптация; 2) дезадаптация.

Янги шароитга ва ахборотларни ўзлаштиришга мослашув шахс ва муҳитнинг ўзаро таъсир майдони юзага келганда амалга ошади. Шахс-талаба ва муҳит ўртасидаги муносабат-таъсир юзага келмаса, дезадаптация амалга ошади. Ижтимоий таъсирларга ҳар бир талаба жинси, ёшига мувофиқ ҳамда ҳаётий тажрибаси асосида жавоб беради. Бизнингча, ҳар бир инсон ҳаётда учрайдиган тўсиқлар, қийинчиликларни енгиш учун мос йўللарни ва ҳал этишнинг хос усулларини қўллаганлиги сабабли, мослашувчанликни усуллар ва ҳаётий тажрибалар тизими дея талкин этиш мумкин. Бундай хулосага келиш учун А.А.Реаннинг ижтимоий мослашувга ички ва ташқи кўрсаткичлар боғлиқлиги билан ёндашиш лозим деган тавсияси асос бўлди. Унга кўра: “...ички кўрсаткичларни психоэмоционал

мўътадиллик, қониқиш, қулайлик мавжудлиги ҳамда стресс, хавф-хатар мавжуд эмаслиги ҳолатлари ташкил этади. Ташки қўрсаткичларни муҳит қонун-қоидалари, талаблари, жамият меъёрлари қамраб олади”.

Талабаларнинг ижтимоийлашуви психологик илдизга эга бўлиб, педагогик таъсирдан озиқланади, ривожланади, қайта қурилади. Шунинг учун бу йўналишлардаги илмий тадқиқотлар мазмунида психологик жараёнларнинг хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг таъсирига таяниш муҳимдир.

Шахс ижтимоийлашуви у ёки бу жамият ижтимоий қатламларига хос бўлган универсал воситалар, ахборот шакллари орқали амалга оширилади. Уларга қуйидагича туркумлаш мумкин: 1) маънавий ва гигиеник юриш-туриш қоидалари; 2) инсонни ўраб турувчи моддий маҳсулотлар, маънавий маданият унсурлари; 3) муомала усули ва мазмуни; 4) ҳаётий фаолиятдаги ижтимоий муносабатлар: таълимий-тарбиявий фаолият, мулоқот, ўйинлар, спорт.

Ҳар бир жамият, давлат, ижтимоий гуруҳ ўз мақсад ва стратегиялари йўлида ижобий ва салбий, расмий ва норасмий қарорлар, муайян чегаравий муносабатлар, яъни таъқиқлашлар, ўзаро қелишув, яъни руҳсат бериш, мажбурлаш каби ижтимоий-иқтисодий ривожланишни кўзда тутувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқади. Бу чора-тадбирлар ёрдамида талабаларнинг ҳуқ-атвори шу жамиятда қабул қилинган меъёрлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга мослаштирилади.

Демак, шахс ижтимоийлашувининг етакчи омиллари: мулоқот (микро муҳитда: ота-оналар, оила аъзолари; макро муҳитда тенгдошлар ва бошқалар билан) ҳамда фаолият (ўқиш, ўйин, спорт, ижод...). Психологик-педагогик тадқиқотлар жараёнида турли ёш даврларига хилма-хил фаолият турлари мос қелиши аниқланган бўлиб, тадқиқотда ижтимоийлашув механизмларини аниқлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони. 2017-йил 7-феврал.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғриси”даги Қонуни. 2016-йил 14-сентябр. 790
3. Тиллаева Г. Ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. 166-б
4. М.Қ.Рахманова, Б.Б.Миржалилова Ўқувчилар ижтимоий фаоллигини ошириш – ижтимоий зарурият сифатида. Ссиентифис Жоурнал Импакт Фактор (SJIF) 2021 www.ares.uz B.452-503
7. М.Қ.Рахманова “Scientifik and pedagogical bases of preparation of students for development of social activity in the procrss of professional and pedagogical education” B.283-287
8. М.Қ.Рахманова, Б.Б.Миржалилова. Ўқувчилар ижтимоий фаоллигини ошириш – ижтимоий зарурият сифатида. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: www.ares.uz B.45

РЕЗЮМЕ

Мақолада талабаларнинг ижтимоий компетентлигини такомиллаштириш мослашувчан, динамик, ўзига хос ижодкор ва ижтимоий фаол бўлиши унга янги шароитларга мослашиб кетиши, ижтимоий мослашувнинг муҳим омил ҳақида айтиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье отмечается, что повышение социальной компетентности студентов, которые являются гибкими, динамичными, уникальными творческими и социально активными, адаптирующимися к новым условиям, является важным фактором социальной адаптации.

SUMMARY

In the article, it is mentioned that improving the social competence of students, being flexible, dynamic, uniquely creative and socially active and adapting to new conditions, is an important factor of social adaptation.